2011 йил 30 ноябрь, чоршанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 233 (12.044)

Баҳоси эркин нархда

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

## СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Қайд этиб ўтилсинки, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирларини изчил амалга ошириш натижасида республикада – бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатувчи қишлоқ врачлик пунктлари, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари, вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказларидан бошлаб, мураккаб юқори технологияли тиббий хизматлар кўрсатувчи республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларигача барча даражаларни қамраб олган аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг яхлит ташкилий тузилмаси яратилди.

Сўнгги ўн йилда даволаш-профилактика муассасаларини модернизация қилиш ва энг замонавий лаборатория, ташхис ва даволаш ускуналари билан жиҳозлашга 750 миллион АҚШ долларидан ортиқ миқдорда бюджет маблағлари йўналтирилди ва имтиёзли кредитлар ҳамда грантлар жалб қилинди. Мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш соҳасига қилинган харажатлар 3,6 баравар ўсди ва бу ялпи ички маҳсулотга нисбатан қарийб 4,0 фоизни, мамлакатнинг Давлат бюджетида эса 15,7 фоиздан ортиқни ташкил қилаяпти.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 1990 йилдагига нисбатан ўртача умр кўриш 67 ёшдан 73 ёшгача ортди, оналар ҳамда гўдакларнинг ўлими тегишли равишда 3,1 ва 3,2 маротабага қисқарди. Аҳолининг, айниқса сил, гепатит, турли юқумли хасталиклар билан умумий касалланиш даражаси сезиларли равишда пасайди.

Шу билан бирга, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати, айниқса жойларда, туман ва вилоят тиббиёт бирлашмаларининг моддий-техника базаси ҳолати ўсиб бораётган замонавий талабларга ҳамон жавоб бермай келмоқда. Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларини бошқариш тизими тубдан такомиллаштирилишини тақозо этмоқда, уларда етакчи хорижий тиббиёт марказларининг тажрибасини, шунингдек, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг илғор шаклларини қўллаш, уларнинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш талаб қилинмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш, тиббиёт муассасалари фаолияти самарадорлигини ошириш, замонавий талаблар ва стандартларга мувофиқ аҳолига юқори сифатли тиббий ёрдам кўрсатишни таъминлаш, республика соғлиқни сақлаш тизимида бошқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг илғор шакл ҳамда услубларини жорий этиш мақсадида:

1. 2012-2015 йилларда республика соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

аҳолига, айниқса қишлоқ жойларда, юқори сифатли бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатилишида кенг имкониятлар яратилишини таъминлаш, фуқароларга касалликлар профилактикаси ва соғлиғини муҳофаза қилиш бўйича диагностика ҳамда амбулатория-профилактика муассасаларининг иш самарадорлигини тубдан ошириш;

туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларининг мавжуд қувватларидан фойдаланиш самарадорлигини оширган, замонавий ускуналар билан, шу жумладан уларни халқаро молия институтлари кредитлари ва грант маблағлари ҳисобидан жиҳозлаган ҳолда туман (шаҳар) даражасида тиббиёт муассасалари тармоғи ва ўринлар фондини мақбуллаштириш ҳамда таркибий қайта қуриш;

замонавий, халқаро тажрибадан ўтказилган ташкилий ва молиявий менежмент усулларини татбиқ этиб республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш, уларнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, энг замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш ва доимий равишда қайта жиҳозлаб бориш;

тез тиббий ёрдам кўрсатиш хизмати самарадорлигини, улар томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг тезкорлиги ва сифатини ошириш, уларни тизимли асосда энг янги ташхис ва даволаш ускуналари билан қайта жиҳозлаш, замонавий мобиль тиббий ускуна ва алоқа воситалари билан бутланган махсус автотранспорт билан қўшимча жиҳозлаш;

она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш Миллий моделига мувофиқ оналар ва болалар соғлиғини сақлаш тизимини такомиллаштириш, перинатал, скрининг марказлари, туғруққа кўмаклашиш ҳамда педиатрия муассасаларининг моддий-техника базасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш;

аҳолини вирусли ва юқумли касалликлардан муҳофаза қилишнинг профилактик тадбирларини кучайтириш ҳамда ишончлилигини ошириш, онкологик ва сил касаллигига қарши хизматлар муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, профилактика ишларининг, ижтимоий аҳамиятга эга касалликларни барвақт аниқлаш ва даволашнинг самарали тизимини шакллантириш;

замонавий ташхис ва даволаш ускуналарига, юқори малакали тиббиёт кадрларига эга хусусий тиббиёт муассасалари фаолиятини тартибга солиш ва лицензия беришни янада такомиллаштириш, уларга нисбатан тасдиқланган даволаш стандартларига мувофиқ равишда аҳолига сифатли ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш талабларини ошириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 18 июлдаги Р-3676-сонли фармойиши билан тузилган Комиссиянинг:

2012-2015 йилларда 1- ва 2-иловаларга мувофиқ бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган соғлиқни сақлаш тизими стационар муассасалари тармоғи ва ўринлар фондини мақбуллаштириш тўғрисидаги;

2012-2014 йиллар мобайнида олис қишлоқ аҳоли пунктларида қишлоқ аҳолиси учун бирламчи тиббий ёрдамдан қулай ва тез фойдаланишни таъминлайдиган қўшимча 102 та қишлоқ врачлик пунктларини 3-иловага мувофиқ барпо этиш тўғрисидаги;

100 та туман тиббиёт бирлашмаларини 93 миллион АҚШ доллари миқдоридаги “Саломатлик-3” лойиҳасини Жаҳон банки билан ҳамкорликда амалга ошириш доирасида замонавий лаборатория, ташхис ва даволаш ускуналари билан жиҳозланадиган туман тиббиёт муассасаларининг ташхис, стационар ва кўмакчи бўлинмаларини бир ҳудудда ихчам жойлаштириш асосида модернизация қилиш тўғрисидаги;

КфВ банкининг 27 миллион евро миқдоридаги имтиёзли кредитлари ва грант маблағлари ҳисобига жиҳозланадиган барча вилоятлар ва Нукус шаҳридаги кўп тармоқли болалар тиббиёт марказларининг биноларини, шунингдек, умумий қиймати 13 миллион евро миқдорида жалб этиладиган имтиёзли кредитлар ва Германия ҳукуматининг грант маблағлари ҳисобига жиҳозланадиган катталар учун мўлжалланган 5 та тиббиёт марказларининг биноларини реконструкция қилиш ҳақидаги;

2012-2013 йилларда 4-иловага мувофиқ республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларини босқичма-босқич акциялаштириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларини акциялаштириш қуйидаги шартларга риоя этилган ҳолда амалга оширилади:

республика ихтисослаштирилган тиббиёт муассасалари акцияларининг 51 фоизини давлатда сақлаб қолган ҳолда, давлат улуши бўйича тегишли бўлган дивидендларни 2020 йилни ҳам ўз ичига олган даврда биринчи навбатда ихтисослаштирилган марказларни тўлиқ жиҳозлаш ва қайта жиҳозлаш учун замонавий тиббиёт ускуналарини харид қилишга йўналтириш;

акцияларнинг 49 фоизини ихтисослаштирилган марказларнинг меҳнат жамоаларига (улушни тасарруф қилиш ва тақсимлаш ҳуқуқисиз) фойдаланиш учун бериб, улар бўйича тегишли бўлган дивидендларни ихтисослаштирилган марказ фаолиятининг пировард молиявий натижаларида ходимларнинг меҳнат иштироки коэффициентига қараб уларни (шу жумладан, марказларнинг раҳбарлар таркиби учун 10 фоизгача) моддий рағбатлантиришга йўналтириш;

*(Давоми 2-бетда)*

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Болалар спорти

## ЭЗГУ ОРЗУЛАРИМИЗНИНГ АМАЛДАГИ РЎЁБИ

**Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб вояга етказиш, болалар спортини ривожлантириш, ўғил-қизларимиз ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларни жисмонан етук, юксак маънавиятли ва интеллектуал салоҳиятли инсонлар этиб тарбиялашга қаратилаётган алоҳида эътибор ўзининг юксак самараларини бермоқда. Давлатимиз раҳбарининг ғояси ва ташаббуси билан ташкил этилиб, айни пайтда кўплаб давлатлар томонидан ноёб тажриба сифатида ўрганилаётган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолияти негизини ҳам ана шу вазифа ташкил этади.**



Жамғарма томонидан жорий йилнинг ўтган даврида шаҳар ва қишлоқларимизда замон талабига мос спорт мажмуалари ва стадионлар барпо этиш, уларни юқори малакали мураббийлар ва зарур спорт жиҳозлари билан таъминлаш, замонавий мусиқа ва санъат мактабларини қуриш, мавжудларини таъмирлаш ва реконструкция қилиш, ёш иқтидор эгаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 10 мартда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бюджетини ҳамда 2011 йилда болалар спорти объектлари, сузиш ҳавзалари ва болалар мусиқа ҳамда санъат мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлашнинг манзилли дастурларини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарорига биноан 2011 йилда 133 болалар спорти иншооти, 19 сузиш ҳавзаси ва 65 мусиқа ва санъат мактаби, жами 217 иншоотни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш режалаштирилган. Ҳозиргача 209 иншоотда қурилиш ва таъмирлаш ишлари якунланди, бештасида сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилмоқда.

Жумладан, пойтахтимизнинг Миробод туманидаги 12-Болалар ва ўсмирлар олимпия заҳиралари спорт мактабининг ёпиқ сузиш ҳавзаси замонавий андозалар асосида мукаммал таъмирланди. Сув спортига ихтисослашган мазкур мактабда 420 нафар тарбияланувчи сузиш билан мунтазам шуғулланмоқда. Зарур жиҳозлар билан таъминланган замонавий сузиш ҳавзаси, ювиниш, кийиниш хоналари болалар ихтиёрида. Ушбу даргоҳдан нуфузли мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келаётган кўплаб спортчилар етишиб чиққан.

*(Давоми 4-бетда)*

## XXI аср садоси

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Тошкентда МДҲ мамлакатлари орасида биринчи бўлиб HD форматидаги ерусти узатиш телеканали фойдаланишга топширилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллиги арафасида Тошкентда мазкур телеканалнинг тақдимоти бўлиб ўтди.**

**● Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармасида давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати фаолиятига оид қабул қилинган янги қонун ҳужжатлари ва уларнинг ҳаракат хавфсизлигини таъминлашдаги аҳамиятига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.**

**● «Пойтахт» бизнес марказида Ўзбекистонда микросуғурталашнинг инновацион маҳсулотларига бағишланган тақдимот бўлиб ўтди. Тадбир «Халқ суғурта» суғурта компанияси томонидан ташкил этилди.**

**● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Сирдарё вилояти ҳокимлиги раҳбариятининг ҳокимлик тизимида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш ҳолати юзасидан ҳисоботи эшитилди.**

**● Халқаро бизнес марказида «Японияда таълим — 2011» маърифий кўргазмаси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, Ёшларни иш билан таъминлашга кўмаклашувчи марказ, Нагоя университети ваколатхонаси, Японияning мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур кўргазмада таълим тизими раҳбарлари, профессор-ўқитувчилар, жамоат ташкилотлари вакиллари, талаба-ёшлар иштирок этди.**

**● Термиз шаҳридаги «Пўлат-Алп» хусусий корхонасида гилам ишлаб чиқариш тармоғи кенгайиши ҳисобига ўнта қўшимча иш ўрни яратилди. Шу мақсад учун банкнинг 160 миллион сўмлик кредити йўналтирилди.**

### ЖАҲОНДА

**● Еврохудудга кирувчи мамлакатлар вазирлари молиявий инқирознинг келгусидаги тарқалишининг олдини олиш мақсадида молиявий вазиятни барқарорлаштириш учун Грецияга 10,7 миллион долларлик кредитни ажратишга қарор қилишди.**

**● Кот-д' Ивуарнинг собиқ президенти Лоран Гбагбо Гаагадаги Жиноий ишлар бўйича халқаро судда жавоб бериш учун мамлакатни тарк этди. Гбагбо парвоз қилаётган самолёт Роттердамга қўнганидан сўнг, собиқ президент Жиноий ишлар бўйича халқаро суд вакилларига топширилади. Таъкидлаш керакки, Гбагбо Жиноий ишлар бўйича халқаро судга топширилган дастлабки собиқ давлат раҳбари бўлади.**

**● Эквадорда уйғонган Тунгурауа вулқонидан отилаётган кулнинг баландлиги 4 километрдан ошмоқда ва вулқон атрофида жойлашган қишлоқ ва шаҳарчалар аҳолисини ваҳимага солмоқда.**

**● Кеча Эрон пойтахтидаги Буюк Британия элчихонаси атрофида оммавий тартибсизликлар бўлиб ўтди.**

**● Бугун Белоруссияда жорий йилнинг апрель ойида Минск шаҳридаги метрода террорчилик ҳаракатини амалга оширган шахслар устидан ҳукм чиқарилади.**

**● АҚШ суди поп-мусиқа қироли Майкл Жексоннинг шахсий шифокори Мюррейни тўрт йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилди. Тергов жараёнида аниқланишича, Мюррей эстрада юлдузига пропофол препаратининг жуда юқори дозасини бериши натижасида ушбу дори воситаси бошқалари билан ўзаро таъсирга кириб Жексоннинг ҳаётдан кўз юмишига олиб келган.**

**● АҚШлик муҳандислар гуруҳи дунёдаги энг енгил материални кашф этди. Ушбу материал пенопластдан юз марта енгил бўлиб, юқори даражадаги энерго сингдирувчанлик хусусиятига эга. Янги материал кўринишидан майда металл найчага ўхшайди ва ундан ўзига хос микротўр ҳосил қилинади. Унинг зичлиги 1 куб сантиметрга 0,9 миллиграммни ташкил этади. Мутахассисларнинг айтишича, янги микронайчанинг 99 фоизи ҳаводан, қолган 0,01 фоизи қаттиқ моддадан ташкил топган.**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **КЕЧА** Тошкент Ахборот технологиялари университети қошидаги 2-академик лицейда «Конституциямиз — қомусимиз» мавзуида Конституция кунига бағишланган тадбир ўтказилди.

✓ **ТОШКЕНТ** Давлат шарқшунослик институтида «Инновацион технологияларни самарали қўллаш услублари» деб номланган анжуман ташкил этилди.

✓ **БЕКТЕМИР** туманидаги «Зилола» маҳалласида Ички ишлар бошқармаси билан ҳамкорликда Ёнғин хавфсизлиги ойлиги доирасида «Олов — тилсиз ёв» мавзуида тадбир бўлиб ўтди.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

# СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

***(Давоми. Боши 1-бетда)***

республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари Кенгашларининг таркибига Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа манфаатдор тузилмаларнинг вакилларини киритган ҳолда уларнинг зиммасига марказлар фаолияти стратегиясини шакллантиришда фаол қатнашиш, Кенгаш томонидан тасдиқланадиган бизнес-режалар бажарилишини назорат қилиш, бюджет ҳамда бюджетдан ташқари маблағлардан фойдаланилиши устидан мониторингни амалга ошириш вазифаларини юклаш.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Молия вазирлиги билан келишилган вилоят ва туман бўғинидаги 46 та соғлиқни сақлаш муассасаларини босқичма-босқич ўзини-ўзи тўла молиялаштиришга ўтказиш, шунингдек, 57 та тиббиёт муассасаларининг умумий харажатларини молиялаштиришда бюджетдан ташқари маблағлар салмоғини ошириш ҳақидаги таклифлари 5 ва 6-иловаларга мувофиқ маъқуллансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда 2012-2015 йилларда Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасининг маблағлари ҳисобига тиббиёт муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш дастурларини шакллантириш чоғида қишлоқ врачлик пунктларини, туман тиббиёт бирлашмалари ҳамда вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказлари, шу жумладан болалар тиббиёт марказларининг биноларини реконструкция қилиш ва қуриш учун капитал маблағларнинг зарур лимитларини назарда тутсин.

6. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда:

2012-2015 йилларга мўлжалланган дастурий чора-тадбирлар комплексини тасдиқлаган ҳолда, республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларининг, кечиктириб бўлмайдиган ва шошилинч тиббий ёрдам хизматлари, онкология хизматининг моддий-техника базасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, шунингдек, силга қарши муассасаларни энг аввало, халқаро молия институтлари ҳамда донорларнинг грантлари ва имтиёзли кредитлари ҳисобига тубдан қайта жиҳозлаш бўйича молиялаштиришнинг аниқ манбалари ва уларни амалга ошириш муддатларини кўрсатиб ўтсин;

хусусий тиббиёт муассасаларига лицензиялар бериладиган тиббий фаолият ихтисослашув турларининг янгиланган рўйхатини, ундан одамларнинг, айниқса болаларнинг ҳаёти ва саломатлиги учун юқори даражадаги хатар билан боғлиқ турларини чиқариб ташлаб, шунингдек, хусусий тиббиёт муассасалари учун лицензия талаблари ва шартларини ҳамда уларга риоя этилиши учун жавобгарликни кучайтирган ҳолда Тиббий фаолиятни лицензиялаш тўғрисида янги таҳрирдаги низомни тасдиқласин.

2012 йилнинг 1 январидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан хусусий тиббиёт муассасаларининг лицензия талаблари ва шартларига риоя этишлари хусусида ўтказаётган текширувлари назорат қилувчи идоралари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика Кенгаши ва унинг ҳудудий комиссиялари билан қўшимча равишда келишилмаган ҳолда амалга ошириладиган Назорат идораларининг назорат функциялари рўйхатига киритилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан ҳамкорликда 2012 йилнинг 1 мартига қадар вилоятларнинг тиббий ташхис марказларини, республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларини, кечиктириб бўлмайдиган ва шошилинч тиббий ёрдам хизматлари ва онкология хизмати ҳамда сил касалига қарши муассасаларни зарур асбоб-ускуна ва анжомлар билан жиҳозлаш учун халқаро молия ташкилотлари ҳамда донор мамлакатларнинг имтиёзли кредитлари ва грантларини жалб этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига аниқ таклифларни киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2012-2015 йилларда туман тиббиёт бирлашмаларининг тармоғи ва ўринлар фондини мақбуллаштириш, шунингдек, вилоят соғлиқни сақлаш муассасалари умумий харажатларини молиялаштиришда бюджетдан ташқари маблағлар салмоғини босқичма-босқич кўпайтириб бориш бўйича ушбу қарор билан тасдиқланган жадвалларга риоя этилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатсин, бўшайдиган маблағларни соғлиқни сақлаш муассасаларининг анжомлар, сарфланадиган материаллар, реактив ва дори-дармонлар билан таъминланишини яхшилашга мақсадли йўналтирилишини назарда тутсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида» Фармонида берилган солиқ ва божхона имтиёзлари 2018 йилнинг 1 январигача узайтирилсин, божхона имтиёзлари, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан олиб келинадиган тиббиёт ускуналарига, бутловчи буюмларга, тиббиёт ускуналарининг эҳтиёт қисмлари ва сарфланадиган материалларига нисбатан жорий этилсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2011 йил 28 ноябрь*

# ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ ТОМОНИДАН УЗОҚНИ КЎЗЛАБ АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР БАРЧА СОҲАЛАР КАБИ ТИББИЁТНИ ҲАМ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЮКСАК САМАРАЛАР БЕРАЁТИР

**Ануратха ГУПТА, Ҳиндистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ижрочи котиби:**

– Ўзбекистонда амалга оширилаётган «Соғлом она – соғлом бола» дастури аёлни ҳомиладорликка тайёрлашдан бола камолга етгунча бўлган босқичларни қамраб олади ва бунинг учун сарфланган сармоя жамиятда мувозанатни таъминловчи муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Президент Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган халқаро симпозиум доирасида мамлакатингизда бу борада эришилаётган ютуқлар билан атрофлича танишдик. Бир қатор шифохоналарда бўлдик. Уларнинг барчаси жаҳон андозалари талабларига тўла мос келади. Хусусан, болалар шифохоналарида яратилган барча шароитлар у ерда даволанаётган болалар ва оналарнинг кайфиятини кўтаришга хизмат қилади.

«Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: «Соғлом она – соғлом бола» мавзуидаги халқаро симпозиум юқори савияда, ишчан руҳда ўтди. Форумда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ этишнинг муҳим йўналишлари муҳокама этилди, Ўзбекистоннинг бу масаладаги тажрибаси чуқур ўрганилди ва бу бизнинг келгуси фаолиятимизда муҳим ўрин тутади.

**Андрей ЛЬВОВ, Дерматовенерология ва косметология давлат федерал илмий маркази директори ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор (Россия):**

– Оналик ва болаликни муҳофазалашда тиббиётнинг кўплаб йўналишлари каби дерматовенерология хизматининг ҳам ўрни беқиёс. Чунки бундай хасталиклар бевосита репродуктив саломатликка таъсир этади. Ушбу касалликларнинг олдини олиш, барвақт аниқлаш ва самарали даволашга эришмасдан туриб, соғлом насл масаласини ҳал этиш мушкул.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган туб ислоҳотлар жараёнида ушбу тизимни тараққий эттириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлашга доимий эътибор қаратилмоқда. Бу борада йўлга қўйилган кенг халқаро ҳамкорлик жаҳон тиббиётининг илғор услубларини чуқур ўзлаштириш ва ундан оқилона фойдаланиш имконини бераётир. Илмий марказимиз Ўзбекистон олимлари билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Илмий янгиликлар юзасидан мунтазам тажриба алмашамиз, тиббиётнинг долзарб муаммоларини ҳал этиш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга оширамиз. Тошкент симпозиуми алоқаларимиз кўламини янада кенгайтириш ва ҳамкорликнинг келгуси йўналишларини белгилаб олишда катта имконият яратди.

**Нуне МАНГАСАРЯН, ЮНИСЕФнинг рационал овқатланиш ҳамда болалар ва ўсмирлар спорти бўйича эксперти:**

– Ўзбекистон глобал иқтисодий инқироз ва экологик муаммоларнинг салбий таъсирига қарамай, оналик ва болаликни муҳофазалаш, аҳоли учун қулай турмуш шароитини яратишга эришаётган мамлакатлардан биридир. Президент Ислом Каримов томонидан узоқни кўзлаб амалга оширилаётган ислоҳотлар барча соҳаларни, жумладан, тиббиётни ривожлантиришда ҳам юксак самаралар бераётир. Йигирма йиллик мустақил тараққиёт даврида оналар ва болалар саломатлигини асраш, касалликларни камайтириш, аҳолига замонавий андозалар даражасида тиббий хизмат кўрсатиш сифатини мунтазам оширишга эришилаётгани бу борадаги муҳим кўрсаткичлардир.

Соғлиқни сақлашнинг самарали тизимини жорий этиш, шифо масканларини янги тиббий технологиялар билан жиҳозлаш, шифокорларнинг малакасини ошириш, тиббий-профилактика хизматини мунтазам такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш тизимини доимий қўллаб-қувватлаш ва ушбу соҳага давлат томонидан сарфланаётган маблағнинг йилдан-йилга ошириб борилаётгани бу муваффақиятларнинг асосий омилидир.

**Жуау БРЕДА, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа минтақавий бюроси лойиҳа раҳбари:**

– Инсон соғ-саломат узоқ умр кечириши, ўзидан соғлом насл қолдириши учун тўғри ва рационал овқатланиш тамойилларига амал қилиши, организм учун фойдали микроэлементларга бой озуқа истеъмол қилиши, жисмоний фаоллик ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Бу борада Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан ҳаётга татбиқ этилаётган дастурларда Ўзбекистондаги тиббиёт муассасалари ва бошқа тузилмалар фаол иштирок этаётир. Улар билан ҳамкорликда унни фойдали микроэлементлар билан бойитиш, ош тузини йодлаш, она бола саплементацияси, ҳомиладор аёлларни поливитаминлар билан таъминлаш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бундай тадбирлар юксак самаралар бераётир. Мамлакатингизда оналар ва болалар ўлими, камқонлик ва бошқа экстрагенитал касалликлар кескин камаймоқда.

Тошкент симпозиуми мазкур йўналишлардаги лойиҳалар таҳлил этилгани ва келгусидаги вазифалар белгилаб олингани билан ҳам биз учун ғоят фойдали бўлди.

**Светлана РОГОВСКАЯ, Россия тиббиёт академияси акушерлик ва гинекология кафедраси профессори:**

– Ҳар бир аёл, ҳар бир она малакали тиббий хизматдан фойдаланишга ҳақли. Бироқ дунёнинг барча мамлакатларида ҳам бунинг учун зарур шароит яратилмаган. Шу боис ҳомиладорлик ва туғруқ жараёнида рўй берадиган оғир асоратлар натижасида дунёда ҳар йили беш юз мингдан ортиқ аёл вафот этади.

Тошкентда ўтган «Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: «Соғлом она – соғлом бола» мавзуидаги халқаро симпозиум ана шундай долзарб муаммоларга ечим топиш ва дунё аҳолисининг тиббий хизматдан баҳрамандлик даражасини ошириш йўлидаги муҳим тадбирлардан бири бўлди. Ушбу анжуманда Ўзбекистонда бу борада тўпланган илғор ва бой тажриба билан танишиш, уни чуқур таҳлил этиш имконига эга бўлдик.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган «Соғлом она — соғлом бола» мақсадли дастури жараёнида акушерлик ва гинекология хизмати сифати ва самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказида катта ишлар қилинаётганини алоҳида таъкидламоқчиман. Юртингизда илм-фаннинг ушбу йўналиши жаҳон андозаларига мос тарзда тараққий этмоқда, аёлларда учрайдиган генитал касалликларнинг олдини олиш мақсадида вакцина профилактика тадбирлари уюшқоқлик билан ташкил этилаётир.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг лойиҳаси доирасида биз мазкур марказ олимлари билан ҳамкорликда аёлларда учрайдиган хавфли ўсмаларнинг олдини олиш бўйича махсус нашр яратиш устида ишлаяпмиз. Шуниси аҳамиятлики, юртингизда бу борада бой тажриба тўпланган. Бирламчи тиббий-профилактика тармоғи – оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктларида бу йўналишда скрининг кузатувлари ва доимий тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Бунинг натижасида бачадон саратонини эрта босқичларда аниқлаш ва аёлларни ўз вақтида соғломлаштиришда сезиларли натижаларга эришилмоқда. Халқаро симпозиум доирасида ташкил этилган маҳорат мактаби машғулотларида бу соҳада тўпланган тажриба бўйича шифокорларнинг берган батафсил маълумоти бизда катта таассурот қолдирди.

**ЎзА мухбири**
**Баҳор ХИДИРОВА**
**ёзиб олди**

# СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИ ОШМОҚДА

**«Ўзбекинвест» миллий экспорт-импорт суғурта компаниясида «Ҳаётни суғурталаш бўйича маҳсулотларни ишлаб чиқиш стратегияси ва уларни такомиллаштириш» мавзуида минтақавий семинар бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат суғурта назорати инспекцияси ва Япониянинг «FALIA» Ҳаётни суғурталашни ривожлантириш жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилди.**

Тадбирда Ўзбекистон ва Япония ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестиция соҳаларидаги ўзаро алоқалар изчил ривожланаётгани, халқларимиз ўртасида маданий-инсонпарварлик алоқалари мустаҳкамланиб бораётгани таъкидланди. «FALIA» Ҳаётни суғурталашни ривожлантириш жамғармаси билан ўрнатилган ишбилармонлик алоқалари бунга яққол мисол бўла олади. Ушбу жамғарма 2009 йилда суғурталаш бўйича бўлиб ўтган иккинчи Тошкент халқаро форумида «Ўзбекистон суғурта бозорида халқаро муносабатларни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун» фахрий мукофотига сазовор бўлган эди.

Кейинги йилларда мамлакатимиз суғурта бозори, янги иқтисодий муносабатларни тобора кенгроқ қамраб олган ҳолда, жадал ривожланмоқда. Мамлакатимиз раҳбарияти томонидан суғурта тизимини шакллантириш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар бунга асос бўлиб хизмат қилади. Ушбу тизим суғурта бизнесини юритиш бўйича халқаро стандартларга мос келадиган кенг кўламли суғурта хизматларини ўз ичига олади.

Ўзбекистон суғурта бозорини ривожлантиришда етакчи халқаро мутахассисларни жалб қилган ҳолда тадбирлар ташкил этиш алоҳида ўрин тутади. «FALIA» Ҳаётни суғурталашни ривожлантириш жамғармаси томонидан ўтказилган семинарларда ўзбекистонлик 53 нафар мутахассис ўқиди ва малакасини оширди. Бу галги минтақавий семинарда мамлакатимиз компанияларининг 50 нафардан ортиқ вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон суғурта бозори профессионал иштирокчилари уюшмасининг бош директори О.Жумабоев ҳозирги кунда мамлакатимизда 36 та суғурта компанияси фаолият юритаётгани, шулардан иккитаси ҳаётни суғурта қилиш билан шуғулланишини таъкидлади. Японияда мазкур суғурта тури кўпроқ ривожланганлиги боис, ўзбек мутахассислари учун япониялик ҳамкасблари тажрибаси фойдали бўлади. Улар олган билимларини Ўзбекистон суғурта бозорини янада ривожлантиришда қўллаш имконига эга бўлади.

**М. МАМЕТОВА,**
**ЎзА мухбири**

## Саноат

# БУНЁДКОРЛИКДА ҚЎЛ КЕЛАДИ

**Мустақиллик йилларида юртимизда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари авж олди. Шу боис сифатли материалларга талаб ҳам ошди. Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар кейинги йилларда импорт ўрнини босувчи рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлаб, ички бозорни таъминлашни йўлга қўйишди.**

«Deko Stels» масъулияти чекланган жамияти шундай корхоналар сирасидан бўлиб, замонавий технологиялар шарофати билан жамоада 0,5 метрдан керакли узунликдаги металл черепицалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Улар полимер билан қопланади ҳамда аксессуарлар билан бирга ҳозирда йилига ишлаб чиқариш қуввати 900 тоннадан иборат.

— Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида қурилиш саноатида ҳам улкан муваффақиятлар қўлга киритилмоқда, — дейди корхона директори Даврон Ҳожиматов. — Бу борада кўплаб корхоналар ташкил этилиб, улар томонидан янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилмоқда. Бугун бутун республикамизни қурилиш ва бунёдкорлик майдонига қиёсласак, асло муболаға бўлмайди. Айниқса, қишлоқ жойлардаги жадал давом этаётган қурилишлар туфайли йилдан-йилга буюртмаларимиз кўпайиб бормоқда.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

# ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖИ ЙЎЛИДА

**Бугунги кунда республикамизда кечаётган фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизациялаш жараёнлари сиёсий ва иқтисодий ҳаёт, давлат ва жамият қурилишининг барча жабҳаларини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, мустақил суд тизимини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий фаоллигини ошириш, фуқаролик жамиятини шакллантиришни талаб этмоқда. Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига изчил ва босқичма-босқич ўтиш бу даврнинг асосий хусусиятидир.**

Бу борада Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси томонидан ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг фармон ва қарорлари мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш, унинг ижросини таъминлаш, солиқ соҳасидаги ҳуқуқ бузилишларнинг олдини олиш, тадбиркорларга яратилаётган енгиллик ва имтиёзлар, мол-мулк, ер солиғи ҳақида тушунтиришлар бериш бўйича аниқ мақсадга қаратилган ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, туманлар бўйича мисол келтириб ўтадиган бўлсак, Сергели тумани давлат солиқ инспекцияси томонидан тумандаги «Енгил саноат ва сервис» касб-ҳунар коллежи талабалари ўртасида «Намунали тадбиркор» беллашуви, 247-мактаб ўқувчилари ўртасида «Солиқлар нима учун тўланади ва нималарга сарфланади» мавзуида «Очиқ дарс»лар ўтказилди. Республикамиз Президентининг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижроси бўйича қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳияти, солиқ идоралари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун яратилаётган имтиёз, енгиллик ва шарт-шароитлар ҳақида «Очиқ эшиклар» тадбирлари ташкил этилмоқда.

Бектемир туман давлат солиқ инспекцияси томонидан ҳам белгиланган вазифалар ижросини тўлиқ ва сифатли бажарилишини таъминлаш мақсадида қатор ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, тумандаги Радио-телевидение касб-ҳунар коллежида «Намунали тадбиркор» кўрик-танлови ўтказилиб, унда ўқувчиларнинг солиқ қонунчилигига оид билимларини синовдан ўтказишга эътибор қаратилиб, уни янада мустаҳкамлаш мақсадида алоҳида саволнома ишлаб чиқилган. Мактабларда ўқув семинарлари, тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Шунингдек, инспекция томонидан солиқ тўловчилар учун ўтказилаётган тадбирлар, уларнинг тафсилотлари, савол-жавоблар, мутахассислар фикр-мулоҳазалари ДСҚнинг www.soliq.uz расмий веб сайтига жойлаштирилмоқда. Аҳоли гавжум жойларда, маҳаллалар фуқаролар йиғинларида участка солиқ инспекторлари томонидан оммага оилавий бизнес ва касаначилик фаолияти билан шуғулланиш, улар учун яратилган шароитлар, мол-мулк, ер солиғи ҳақида тушунтиришлар берилмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, давлат солиқ бошқармаси томонидан олиб борилаётган барча ишлар иқтисодиётимиз юксалишида муҳим бўғин бўлган солиқ қонунчилигини ёш авлодга, фуқароларга етказиш ва тўловларни ўз вақтида тўлашни йўлга қўйишга эришишга қаратилган.

**Шаҳзод ҚАЮМОВ,**
**Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси**
**Ахборот хизмати**

# ЭЗГУ ОРЗУЛАРИМИЗНИНГ АМАЛДАГИ РЎЁБИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бугунги кунда 13 нафар олий маълумотли мураббий ўғил-қизларга сузиш сир-асрорини ўргатиб, тарбияланувчиларнинг тажриба ва маҳоратини оширaётир.

– Етти йилдан бери сузиш билан шуғулланаман, – дейди ушбу мактаб тарбияланувчиси Жасур Рўзиқулов. – Шу йил сузиш бўйича Францияда ўтказилган халқаро турнирда иккита олтин медални қўлга киритдим. Орзуим – келажакда Олимпиада чемпиони бўлиб, Ватанимиз нуфузини янада юксалтиришга ўз ҳиссамни қўшишдир. Бундай нуфузли мусобақаларда эришаётган ғалабаларимизда мамлакатимизда биз, ёшларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишимиз учун яратилаётган шарт-шароитлар, спортчиларни қўллаб-қувватлашга қаратилаётган улкан эътибор муҳим омил бўлмоқда.

Дарҳақиқат, болалар спортини ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган изчил ишлар самараси ёшларимиз эришаётган муваффақиятларда ўз ифодасини топмоқда. Шу кунга қадар 49 халқаро мусобақада иштирок этган 603 ўқувчининг 118 нафари турли даражадаги медалларни қўлга киритгани бунинг тасдиғидир.

Таъкидлаш жоиз, юртимизда барпо этилаётган болалар спорти иншоотлари асосан маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган инвентарлар билан жиҳозланмоқда. Агар беш йил илгари маҳаллий корхоналар болалар спорти объектлари учун 73 турдаги жиҳозларни ишлаб чиқарган бўлса, бугунги кунга келиб миллий маҳсулотлар тури 113 тага етди. Бундай хайрли ишларга Тошкентдаги «Совпластитал» қўшма корхонаси, «Телеметрик» масъулияти чекланган жамияти, «Азия – Спорт С» хусусий фирмаси, Намангандаги «Машхим», Андижондаги «Хўжаобод» ва Самарқанддаги «Стеклопластик» масъулияти чекланган жамиятлари сингари ишлаб чиқариш корхоналари муносиб ҳисса қўшмоқда.

Андижондаги автомобиллар учун ўриндиқлар ишлаб чиқарувчи «Уз Тонг Хонг Ко» қўшма корхонасида 2010 йилда замонавий технологиялар ёрдамида баскетбол, футбол ва волейбол тўпларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

– Корхонамизда ишлаб чиқарилаётган тўпларга талаб тобора ортмоқда, – дейди қўшма корхона раҳбари Д.Мамажонов. – Бу борада Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси билан ҳамкорлигимиз самарали бўлмоқда. Жамғарма буюртмасига кўра, жорий йилнинг ўтган даврида юртимизнинг турли ҳудудларидаги болалар спорти иншоотларига 3190 баскетбол, 3650 футбол ва 1500 дона волейбол тўплари етказиб бердик.

Жамғарма томонидан чекка ҳудудларда истиқомат қилувчи ўқувчи қизларни спортга кенг жалб этиш, уларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши учун зарур шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Вилоятларда бадиий гимнастика бўйича ҳудудий федерациялар ҳамда марказларнинг ташкил этилиши қизларнинг нафис спорт турлари билан шуғулланиш имкониятини янада оширди. Бу борада жисмоний тарбия машғулотларини олиб борувчи хотин-қиз мураббияларни тайёрлаш, улар меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида хотин-қизлар спорти йўналишида юқори малакали мураббийлар тайёрлаш йўлга қўйилди.



Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маълумотларига кўра, 2005 йилда юртимизда ўтказилган мамлакат миқёсидаги 32 мусобақада иштирок этган 6816 ўқувчининг 2804 нафарини қизлар ташкил этган. Жорий йилнинг ўтган даврида ташкил этилган 74 мусобақада 11 минг нафарга яқин ўқувчи-ёшлар қатнашган. Шундан 4296 нафари қизлардир. Муҳим жиҳати, ушбу спорт мусобақаларида иштирок этганларнинг 60 фоиздан зиёди қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи ёшлардир.

Жамғарма томонидан ҳамкор ташкилотлар билан бирга жойларда ташкил этилаётган спорт тадбирлари, мамлакат миқёсидаги мусобақалар ўғил-қизларда спортга меҳр уйғотиш, халқаро мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир маҳоратли спортчиларни тайёрлашда муҳим омил бўлмоқда.

– Дунёнинг қатор ривожланган давлатлари билан тажриба алмашиш, мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган эътиборни кенг тарғиб этиш мақсадида кўплаб хорижий спорт ташкилотлари ва федерациялари билан ҳамкорликда турли халқаро спорт анжуманлари ташкил этилмоқда, – дейди Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бўлим бошлиғи Ҳусан Насруллаев. – Шу йилнинг ўзида Франциянинг байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича Сент Лорен Блонжи спорт ассоциацияси ва Германиянинг Бергиш Гладбах шаҳридаги Рейн гимнастика федерацияси вакиллари юртимизда ташкил этилган ўқув-машғулот йиғинлари ва маҳорат сабоқларида иштирок этиб, мамлакатимиз спорт мутахассислари билан тажриба алмашди.

Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган бундай хайрли ишларнинг барчаси келажагимиз эгалари бўлган ўғил-қизларни соғлом ва баркамол этиб тарбиялашга хизмат қилаётир. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, барча олижаноб ҳаракатларимизнинг негизида, барча эзгу ниятларимизнинг замирида фарзандларимизни ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси мужассамдир.

**Байрам АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири**
**ЎзА суратлари**

## Спорт янгиликлари

# ҚИТЪА ЧЕМПИОНАТИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ БОШЛАШДИ

**Ўзбек спортининг юксалиш жараёнида оғир атлетикачиларимизнинг ўрни алоҳида. Айниқса, мустақиллик йилларида ушбу спорт тури бўйича халқаро майдондаги натижаларимиз йил сайин ўсиб борганлигини кузатиш мумкин. 1994 йилдан бошлаб барча Осиё ўйинлари ва Олимпиадаларда ўзбекистонлик оғир атлетикачилар қатнашишган.**



Гарчи Олимпиада ўйинларида шу пайтгача совринли ўринлар қўлга киритилмаган бўлсада, қитъа ўйинларида полвонларимиз мунтазам равишда шоҳсупадан ўрин олиб келишган. Демак хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистон оғир атлетика бўйича Осиёнинг етакчи жамоаларидан бири сифатида тан олинади.

Юртимизнинг ушбу спорт тури бўйича қитъадаги етакчилик хусусиятлари айниқса кейинги йилларда яққол кўзга ташланди. 2000 йилдан бошлаб спортчиларимиз Осиё чемпионатлари ва биринчиликларида умумжамоа ҳисобида доимий равишда кучли учликдан ўрин эгаллаб келишмоқда. Шу билан бирга мамлакатимиз оғир атлетика бўйича қитъа миқёсидаги нуфузли мусобақаларни ўтказиш бўйича ҳам олдинги ўринларда туради. Шу пайтгача диёримизда 2 марта Осиё кубоги ва яна икки бор ёшлар ва ўсмирлар ўртасидаги қитъа биринчилиги ўтказилади. Айниқса ўтган йили Сингапурда илк бор ташкил этилган ёшлар Олимпия ўйинларига йўлланма берувчи Осиё чемпионатини ўтказиш юртимизга топширилганлиги ва ушбу мусобақанинг юқори савияда ташкил этилганлиги Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори қай даражада эканлигини кўрсатиб берди. Шунингдек, бугунги кунда Ўзбекистон оғир атлетика федерацияси Бош котиби Шаҳрилло Маҳмудовнинг Осиё оғир атлетика федерацияси вице-президенти, халқаро тоифадаги ҳакамларимиз Рашид Маткаримов ва Зуҳра Абдуллаеваларнинг қитъа федерацияси тегишли қўмиталарида фаолият олиб боришаётганлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин.

Куни кеча оғир атлетика бўйича юртимизда яна бир халқаро мусобақа бошланди. Осиё оғир атлетика федерацияси томонидан 2000 йилдан буён уюштириб келинаётган клублар ўртасидаги Осиё чемпионати ва Осиё кубоги баҳслари учинчи бор шаҳримизда ўтказиляпти. Бунгача 2006 йил пойтахтимиздаги Республика олимпия заҳиралари коллежида, 2009 йилда эса «Жар» спорт мажмуасида муваффақият билан ташкил этилган мазкур мусобақага бу сафар муҳташам «Ўзбекистон» спорт мажмуаси мезбонлик қиляпти. Бунда 27-28 ноябрь кунлари 20 ёшгача бўлган ўсмирлар ва қизлар ўз маҳоратларини намойиш этишди, 29 ноябрь — 1 декабрь кунлари катталар ғолиблик учун баҳс олиб боришади.

Шунингдек, мусобақа кунлари ҳакамлар ва мураббийлар учун халқаро семинар ҳам бўлиб ўтади. Семинарда осиёлик мутахассислар билан бирга Халқаро оғир атлетика федерацияси мутахассислари ҳам эксперт сифатида иштирок этишади.

Мусобақанинг дастлабки куни спортчиларимиз учун муваффақиятли кечди. 48 килограммлилар баҳсида ҳамюртимиз Марина Сисоева дастлабки олтин нишонни қўлга киритди.

53 килограммликлар ўртасида яна бир ҳамюртимиз Дилфуза Бакирова кумуш нишоннинг соҳиби бўлди.

Мусобақанинг дастлабки кунлари натижаларига кўра беш нафар оғир атлетикачиларимиз Олимпиада ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

**Дилмурод ИСМОИЛОВ**
**Алексей Попов олган сурат**

**Буюк Британия пойтахти Лондонда 2012 йили уюштириладиган XXX ёзги Олимпиада ўйинларида қатнашишга аҳд қилган Ўзбекистон олимпия терма жамоаси футболчилари саралаш турнирининг учинчи босқич иккинчи учрашувида Бирлашган Араб Амирликлари олимпиячиларига қарши сафарда майдонга чиқишди.**

# ОЛИМПИЯЧИЛАРИМИЗ — ГУРУҲДА ПЕШҚАДАМ

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Вадим Абрамов шогирдлари беллашувда бир қатор хавфли вазиятларни юзага келтиришди, бироқ кучли таркибга эга рақиб дарвозасига йўл топа олишмади. Қизиқарли ва муросасиз кечган ўйин 0:0 ҳисобида якунланди. Ушбу дуранг олимпиячиларимизнинг гуруҳдаги пешқадамлигига салбий таъсир кўрсатмади.

| № | Жамоалар | Ў | F | Д | М | Т-Н | Очко |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Ўзбекистон | 2 | 1 | 1 | 0 | 2-0 | 4 |
| 2 | Австралия | 2 | 0 | 2 | 0 | 0-0 | 2 |
| 3 | БАА | 2 | 0 | 2 | 0 | 0-0 | 2 |
| 4 | Ироқ | 2 | 0 | 1 | 1 | 0-2 | 1 |

Биз олимпиячиларимизга сафарда Австралия олимпия терма жамоаси билан кечадиган муҳим беллашувда зафар ёр бўлишини тилаб қоламиз.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

**«Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳудудида жойлашган барча таълим муассасалари ҳамда талабалар турар жойларида ёш ижодкорларни юзага чиқариш ва уларга тажриба мактаби бўлиши учун мунтазам равишда шоир-ёзувчилар, журналистлар билан ижодий кечалар ташкил этилади. Ана шундай учрашувларнинг бири яқинда Тошкент Тиббиёт академияси қошидаги академик лицейда бўлиб ўтди.**

## Тадбирлар

# ИЖОДКОРЛАР ТАЛАБАЛАР ДАВРАСИДА

Тадбир «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва «Камолот» ЁИҲ шаҳарча кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган бўлиб, учрашувда таниқли ижодкорлар Қўчқор Норқобил ва Хосият Рустамовалар, лицей ўқитувчи ва талабалари ҳамда Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари иштирок этишди.

Таниқли шоир, публицист, моҳир драматург Қўчқор Норқобил бугунги кун ижодкорларининг кўзга кўринган вакилидир. Унинг яқиндагина «Ёшлик» журналида эълон қилинган ва театрда саҳналаштирилган замонамиз қаҳрамони қиёфасини ифодаловчи «Қуёшни сен уйғотасан» номли драмаси адабий жараёнда ўзига хос ўрин эгаллади. Хосият Рустамова ҳам ўзбек шеъриятида ўзининг дилбар шеърлари билан китобхонлар дилига кириб борган шоирларимиздан. Унинг «Нажот», «Девор». «Август» ва «Ридо» каби шеърий тўпламларидаги шеърлари дардли, самимийдир.

Ана шундай ижодкорлар билан учрашиш талабаларда катта қизиқиш уйғотди. Шоирлар ҳам ўз ижод маҳсулларидан ўқиб, йиғилганларни хушнуд этишди. Ижодий учрашув якунда шеърхонлик кечасига айланиб кетди.

**Ўткир МАҲКАМОВ,**
**«Ёшлик» талабалар шаҳарчаси матбуот котиби**


## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**Аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан,** Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманлараро судининг 2010 йил 22 декабрдаги 1-6122/10-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, 12-даҳа, 7-уй, 9-хонадон манзилида жойлашган, майдони 74,85 кв.м., 3 та яшаш хонаси ва бошқалардан иборат бўлган турар жой қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 70 000 000 сўм.

**Аукцион савдоси 2012 йил 4 январь куни соат 11:00да бўлиб ўтади.**

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «КМСХ» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИКБ Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО:01036, ИНН:207122519. Манзил: Тошкент ш., Олмазор т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел:228-79-52. Лицензия: RR-0001.


# Ўз-ўзи ўрганиб домо бўлур

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

## ШАРҚ ҲИКОЯТ ВА РИВОЯТЛАРИ

**Абубакр Абҳаридан сўрадилар:**

**– Ҳақиқат нима?**

**– Барчаси илм.**

**– Илм нима?**

**– Барчаси ҳақиқат.**

* * *

**Машҳур шайх ҳикоя қилади:**

**– Ҳаж нияти билан йўлга тушиб, Шерозга етдим. Бир масжидга кирдим. Шайх Мўминнинг хирқа ямаб ўтирганини кўрдим. Салом бериб, ёнидан жой олдим.**

**– Ниятинг нима? – деб сўради.**

**– Ҳаж қилиш ниятим бор, – дедим.**

**– Онанг борми?**

**– Бор.**

**– Дарҳол унинг хизматига бор!**

**Бу гап менга ёқмади.**

**– Нега ҳайрон бўласан? Мен бошяланг, оёқяланг, ҳамроҳсиз ва озиқсиз эллик марта ҳаж қилганман. Ҳаммасининг савобини сенга бағишладим, сен онанг кўнглининг шодлигини менга бағишла.**

* * *

**Шоҳ Баҳром мадрасадан қайтаётганида сарой олдида ўтирган бир чолга рўпара келибди. Қария ниҳоятда юпун кийинган, чопонининг астар-авраси ағдарилиб кетган, кўринишидан хастага ўхшарди.**

**– Ассалому алайкум, ота, – дебди Баҳром бир танга узатиб. – Бетоб кўринасиз, юринг мен билан, ҳакимга кўрсатай.**

**Чол кўзига ёш олибди, кўлини очиб, узоқ дуо қилибди:**

**– Хайр-эҳсонинг мушкулимни осон қилмаса ҳам, ширин сўзинг кўнглимни тоғдек кўтариб юборди, ўғлим, – дебди у чеҳраси очилиб.**

* * *

**Бир гуруҳ арилар айланиб юриб, бир кўза қиёмга дуч келиб қолдилар. Фурсатни ғанимат билиб, имкони борича қиёмдан ичиб олишга ҳаракат қилдилар. Оқибати шу бўлдики, оғирлашиб қолганларидан кейин кўзадан қайтиб чиқолмай ўлимга юз тутдилар ва ортиқча ейишнинг натижаси ҳалокат эканини кеч англадилар.**

* * *

**Бир киши донодан сўради:**

**– Ўлимга нима яқину нима узоқ?**

**– Уйқу ўлимга қанча яқин бўлса, ҳаракат ўлимдан шунчалик узоқдир, – деб жавоб берди.**

**Эргаш ОЧИЛОВ**
**тайёрлаган**

**(Давоми бор)**

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **1 декабрь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди, **2 декабрь** кечаси ёғингарчилик бўлиш эҳтимоли бор. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 2-4, кундузи — 6-8 даража илиқ бўлади.*

(Газетанинг навбатдаги сони 2 декабрда чиқади)




МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
**Нашр кўрсаткичи — 563**
ISSN 2010-9229

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
2839 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

**Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.**

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Нашр учун масъул Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г- 1141

Топшириш вақти: 13.00 Босишга топширилди: 17.00 1 2 3 4 5